

Curiosity марсоходи Марс сайёрасида жуда узун занжирли органик молекулаларни топди

// 21.05.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/curiosity-marsohodi-mars-sayyorasida-zhuda-uzun-zanzhirli-or>



NASAning Curiosity марсоходи Марс юзасида ҳозиргача аниқланган энг узун занжирли органик молекулалар мавжудлигини аниқлади. NASA томонидан яқинда эълон қилинган ҳисоботда бир пайтлар кўл бўлган Гейл кратеридаги Кумберленд деб номланган чўққидан олинган тош намунаси таҳлили ҳақида сўз боради.

Тадқиқотда марсоходга ўрнатилган ўзига хос кимёвий лабораториядаги SAM (Sample Analysis at Mars) ускунасидан фойдаланилди. Унинг ёрдамида эса тўпланган материалнинг термохимёвий таҳлили ўтказилди. Намунани иситиш орқали тадқиқотчилар учта органик молекула билан боғлиқ сигналларни аниқлашган: декан, ундекан ва додекан.

Булар узун занжирли алканлар, яъни фақат узун чизиқли кетма-кетликда жойлашган углерод ва водород атомларидан ташкил топган молекулалардир.

Маълумки, Ерда бу молекулалар ҳужайра мембраналарининг муҳим таркибий қисмлари бўлган ёғ кислоталари парчаланишининг қўшимча маҳсулоти сифатида учрайди.

Уларнинг Марсда аниқланиши биологик келиб чиқишини англамайди, балки сайёрада барқарор суюқ сув учун қулай шароитлар мавжуд бўлган даврда ибтидоий Марс муҳити эришган кимёвий мураккабликнинг муҳим далилидир.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати